

“ҲАЖНОМА” ВА “ҲАЖ ДАФТАРИ” ТУРКУМ АСАРЛАРИДА ЖОЙ
НОМЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7866951>

Дилфуза Авазова

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти
университети таянч докторанти

Annotatsiya: *Maqolada Zokirjon Furqatning “Hajnoma” va Abdulla Oripovning “Haj daftari” turkumlarida joy nomlari o‘ziga xos badiiy talqin etilgani isbotlangan. Har ikki shoir ushbu mavzuni teran ma’rifiy mazmun va ohorli badiiy tasvir uyg‘unligida o‘ziga xos ifodalay bilgani misollar asosida tahlil etilgan.*

Kalit so‘zlar: *Ka’ba, ziyorat, imon, ijodiy niyat, an’ana, yangilik, ma’rifiy mazmun, poetik tasvir, badiiy talqin.*

Annotation: *The article describes the artistic depiction of place names in Zakirjon Furkat’s “Hajjnoma” and Abdulla Oripov’s “The Diary of Hajj” works.*

Key words: *Ka’ba, pilgrimage, faith, creative, intention, tradition news, enlightenment content, poetic image, artistic interpretation.*

Фуркат “Ҳажнома”си ва Абдулла Орипов “Ҳаж” дафтари асарларини ўрганар эканмиз ҳар иккала асарнинг уйғун ва фарқли жиҳатларини аниқлашга ҳаракат қилдик. Мазкур асарларнинг муштараклиги жанр, мавзу, образ ва ҳаж манзиллари(жойлар)нинг тасвирларига тааллуқли:

а) ҳар иккала асар ҳам адабий жанрнинг лирик тури (шеърий усул)га мансуб. Хусусан, “Ҳажнома” асари мумтоз адабиётнинг таржиъбанд жанрида ёзилган бўлиб, 12 таржиъ яъни 216 мисрадан иборат. “Ҳаж дафтари” туркуми ҳам шеърий усулда ёзилган бўлиб, “Ҳикмат садолари” 53 та ва “Ҳаж дафтари” 15 та шеърдан иборат.

б) “Ҳажнома” ва “Ҳаж дафтари” асарлари номланишидан маълумки, мавзу жиҳатдан муқаддас ҳаж ибодатини адо этиш ва мазкур жараённинг тафсилотларини ўз ичига олади. Хусусан, “Ҳажнома” асарида биринчи таржиъ пайғамбар алайҳиссаломнинг муборак равзаларини зиёрат этишга мушарраф этгани учун Аллоҳга ҳамд ва унинг расулига саловат айтиш билан бошланади. “Ҳаж дафтари” эса “Каъбатуллоҳ” шеъри билан бошланади ва ушбу шеърда “Ҳануз бири икки бўлмаган элдан, Келдим, нажот излаб, ё Каъбатуллоҳ”, “Дуч келган санамга сиғиндик гоҳи, Бизга кенг очилди Шайтон даргоҳи.”, “Ҳаргиз айнимасин томирдаги қон, Мудом таъзим қилгай асли қул Инсон”, “Қошингда тиз чўкиб турибман шу дам, Дилимда илтижо, қўлимда қалам.”, “Шукрона айтурман ўзинга, ё Раб, Юз бурдик ҳидоят йўлига қараб.” каби сатрлари шоирнинг Яратганга ўзига хос муножотидир.

“Ҳажнома”да тўртинчи таржиъда Меърож кечаси ҳақида сўз юритилади: Ҳилол эрди Буроқи сумиға наъл,

Ўшал оқшомки қилди сайри афлок.

“Қуръони Карим”нинг “Исро” сураси 1-оятда, “Саҳиҳул Бухорий” ва “Саҳиҳул Муслим” китобида келтирилган бу муқаддас кеча ҳақида “Ҳикмат садолар”ида “Меърож” шеъри:

Кўкнинг сулуви оти — нурқанот Бурок,

Элтди Муҳаммадни олий даргоҳга.

Тасвири жоизмас бу ҳолнинг бироқ,

Висол насиб этди Расулуллоҳга.

тарзида бошланади. Шунингдек, ҳар иккала асарда ҳам набий алайҳиссаломнинг аҳли оилалари ҳақида сўз боради. “Ҳажнома”да биринчи таржиъда:

Нисори молу жон ўлсун фидоси

Ҳам ул бинту-н-набий хайру-н-нисони.

Юзимга сургали, алҳамдулиллаҳ,

Насиб ўлди Ҳарамни остони.

Бу ерда пайғамбаримиз с.а.в нинг қизлари Фотима онамиз муслималар ичида энг хайрлиси деб эътироф этилади. “Ҳаж дафтари” туркумига оид “Ҳикмат садолари”даги “Ойиша” шеъри эса пайғамбаримиз с.а.в нинг завжалари Ойиша онамиз ҳақидадир. “Ҳажнома” асаридаги бешинчи таржиъда “Одам авлодининг афзали ва олам яралишининг боиси” Муҳаммад с.а.в нинг таърифи келтирилган бўлса, “Ҳаж дафтари” туркумида 14 мисралик “Пайғамбар” шеърининг ҳар бир банди “Ассалому алайка, ё, Муҳаммад. Ассалому алайка ё, Аҳмад.” нақоратига эга бўлиб, Расулуллоҳга саловат тарзида ёзилган.

“Ҳажнома” нинг еттинчи таржиъасида Уҳуд жанги, бу жангда шаҳид бўлган Ҳамза розияллоҳу анҳу ва етмиш икки саҳоба ҳақида сўз боради. Профессор Н.Жабборов “Фурқатнинг хориждаги ҳаёти ва ижодий мероси: манбалари, матний тадқиқи, поэтикаси” номли докторлик диссертациясида ва “Ҳаж маърифати” мақоласида мазкур еттинчи таржиъани Уҳуд тоғи ҳақида деб изоҳ ёзади. Мазкур таржиъадаги мана бу мисраларга эътибор қаратамиз:

Шаҳид ўлди муборак икки дандон

Янна аммийи Расуллоҳ Ҳамза,

Шаҳид ўлди тегиб шамшири буррон,

Шаҳид ўлди етмиш икки тан.

Эдилар барчаси Онҳазратга ёрон.

Кўриниб турибдики, мазкур мисраларда Уҳуд жанги ёхуд Уҳуд ғаззоти деб ном олган жанг ва бу жангда шаҳид бўлган, ҳадис китобларида “Ғасисул малоика” (фаришталар ювган киши) дейилган Ҳамза розияллоҳу анҳунинг шаҳидлиги таърифланган. Ислом оламида пайғамбаримиз с.а.в нинг эмиқдоши ва амакиси бўлган Ҳамза розияллоҳу анҳунинг ислом динини қабул қилгунигача бўлган вақтда ҳам

довюррак ва жасур инсон бўлганлиги, амакиваччаси Муҳаммад с.а.в ни ёлғизлантириб кўймаслик учун иймон келтиргани, аммо иймон келтирганидан сўнг ҳам эътиқоди бўйича узоқ вақт иккилангани ва Каъба қошига бориб Аллоҳга муножот қилиб, қалбини кераксиз хаёллардан холи этишини сўраб ёлворгани ҳақида, Уҳуд жангидан аввал мушрикларнинг ҳомийларидан бири ва исломнинг душмани Абу Суфённи ўлдиргач, Абу Суфённинг хотини Ҳинд бинту Утба Ваҳший исмли қулига кўп бойлик ва озодлик ваъдасини бериб, жангда вазият қандай бўлмасин Ҳамза розияллоху анҳуни ўлдиришни топширади. Ваҳший жангда арслонлардек қилич чопаетган Ҳамза розияллоху анҳунинг орқа томонидан бориб найза санчиб ўлдиради. Ҳинд бинту Утбанинг топшириғи билан Ҳамза розияллоху анҳунинг танасидан жигарини суғуриб олиб, Ҳиндга келтиради. Заллат ботқоғига ботган бу аёл Ҳамза р.а.нинг жигарини ейиш мақсадида чайнайди. Аллоҳнинг каромати билан унинг тишлари жигарга ботмайди ва у жигарни ташлашга мажбур бўлади. Ҳамза розияллоху анҳунинг шаҳид бўлиши ва мушрик томонидан унинг жасадини таҳқирланиши Расулulloҳ с.а.в ни энг кўп маҳзун қилган ва энг кўп кўз ёш тўқтирган ўлим воқеаси бўлади. Яна бир эътиборли жиҳати, ҳадисларга кўра, Расулulloҳ с.а.в Ҳамза розияллоху анҳунинг жасадини фаришталар кумуш идишдаги ёмғир сувлари билан ёваётганини кўрганини айтади. Маълум бўлишича, Ҳамза р.а Уҳуд жангидан бир кун аввал никоҳланган ва жангга чакириқ бўлганда жунуб ҳолатида бўлиб, Аллоҳ йўлидаги жангга кечикмаслик учун ғусл қилишга улгурмай жангга йўл олган экан. Аллоҳ ва унинг расулига бўлган эҳтироми боис Аллоҳ унинг жасадини ювишни фаришталарга буюради ва унинг жасадига Расулulloҳ с.а.в томонидан етмиш икки марта жаноза ўқилади. Мазкур Уҳуд жанггида мусулмонларнинг мағлубиятга учраши сабаби ҳақида “Қуръони Карим”нинг “Оли Имрон” сурасида айтилади.

Абдулла Орипов “Ҳаж дафтари”да Уҳуд ғаззоти ҳақида айнан келтирилган шеър мавжуд эмас. Аммо мазкур туркумдаги “Ҳайит” шеърида “Ҳайит кунларида жанглар ҳам тўхтаб, Қиличлар қинига қайтиб киргувси.” — дея исломда жанг хунрезлик, ваҳшийлик билан ғалаба қилиш учун эмас, адолат учун эканлигини кўрсатиб беради. Шунингдек, “Ҳаж дафтари”да саҳобалардан фақат Билол розияллоху анҳу ҳақида “Билол ҳабаш” шеъри мавжуд.

в) “Ҳажнома” ва “Ҳаж дафтари” асарларига хос образлар масаласини кўриб чиқамиз. “Ҳажнома”да Расулulloҳ образи мумтоз шарқ анъаналарига кўра яратилган. Фурқат Меърож кечаси воқеасини ёритар экан, Расулulloҳни “Рисолат тождори шоҳи “Лав лак”, — деб атайди. Яъни Аллоҳ аввал пайғамбаримизнинг нурларини яратгани ва унинг туғилиши учун бутун оламни яратганини мадҳ этади. Тўртинчи таржиъ Меърож кечаси ҳақида бўлиши билан бирга Меърожда Ҳақ таоло ва Расулulloҳ ўртасидаги суҳбат диалог тарзида берилади. “Деди Тангри: “Ҳабибим, ё Муҳаммад, Тила мандин бу дам: “Инна аътойнак”. Дедиким: “Умматимни мағфират қил, Эрурлар осийу саффоку бебок”. Аллоҳ таоло ва Муҳаммад с.а.в ўртасидаги суҳбатда Фурқат Аллоҳ ўз ҳабибини бутун оламларга раҳмат этилганини айтиб эъзоз

этганини келтирадики, бу ҳам мумтоз адабиётга хос ҳамд ва наътнинг асарда шаклланишига кўра, бошқа мундарижа ва тузилишга эга эканини кўрсатади. Ўн иккинчи таржиьда эса муборак ҳажга чақирган Аллоҳдан энди вужудини шу ерда пайғамбар қабрига яқин жойда олиб қолишини, руҳини эса Аллоҳнинг ҳабиби ишқида девона этиб кўйишини сўраб ёлворади. “Ҳажнома”да Расулulloҳ образи таъриф этилишига кўра мумтоз адабиётдаги наътга хос ифода этилган. Расулulloҳ образи ва уни васф этиш асарнинг муқаддимасидагина эмас, асарнинг турли ўринларида келишига кўра бошқа мумтоз адабиёт асарларидан фаркланади. Абдулла Ориповнинг “Ҳаж дафтари” туркумида Расулulloҳ образи энг кўп мурожаат ва талқин этилган образдир. “Ҳикмат садолари” айнан ҳадисларнинг шарҳи бўлгани учун ҳам Расулulloҳ образи ҳар бир шеърда асосий ўринда ифода топган. Абдулла Орипов “Ҳикмат садолари”нинг муқаддимасида “Инсоф ва диёнат излаб” мақоласида “Ислом тарихи, айниқса, Қуръон ва Ҳадисларни бир мунча ўрганиб, шундай хулосага келдимки, ҳар қандай олийжаноб ва эзгу туйғулар Исломга ҳам хосдир, айни вақтда Ислом ҳар қандай олийжаноб ва эзгу туйғуларга мос келади. Муҳаммад алайҳиссаломнинг сўнгги ҳамда энг комил пайғамбар деб ҳисобланишининг туб сабаби шунда эмасмикан! Борди—ю, энди бошқа бир пайғамбар чиққан тақдирда ҳам у инсониятга Муҳаммад алайҳиссаломдан ортиқ яна нима ҳады эта оларди!”,— деб ёзади. Мана шу сўзбошида ҳам шоирнинг Расулulloҳ образига муносабати чексиз эҳтиромга эга эканлигини кўриш мумкин. Туркумдаги “Пайғамбар” шеърида эса бу эҳтиромнинг бадий ифодасини кўрамиз. Абдулла Орипов талқинидаги Расулulloҳ образида васф этишдан кўра Расулulloҳнинг инсоний фазилатлари, кечинмалари кўрсатилган. Албатта, Абдулла Орипов “Сизнинг муродингиз ҳидоят эрур, Шўрлик бандаларга иноят эрур” дея у зотнинг улуғ ва мукаррамлигини эътироф этади. “Ассалому алайка, ё Муҳаммад, Ассалому алайка, ё Аҳмад”, — деб барча мўминларга хос саловат айтади. “Ваҳий” шеърида набий алайҳиссаломнинг манман кимсалардан ранжиган кайфиятини, “Ибрат” шеърида у кишининг камтарликларини, “Мерож” шеърида Аллоҳдан ҳаё этиши ва умматига муҳаббатини, “Ҳордик” шеърида Расулulloҳнинг фалсафий тафаккурини, “Рўза” шеърида Расулнинг қаноат ва даъватини, “Ота” шеърида набий алайҳиссаломнинг фарзандларга насиҳатини, “Она” шеърида Расулulloҳнинг суннатларда адолатни унутмаслиги, “Дўзахийлар” шеърида иттифоқ этмоққа чорлаши ва дўзахийликдан қайтариши, “Дуо” шеърида инсонларнинг энг дуогўйи Расулulloҳ экани, “Шафқат” шеърида Расулulloҳнинг қабр азоби ва Аллоҳ қаҳридан кўркуви ифода этилган. Расулulloҳнинг бу сифатлари шунчаки баён этилган эмас, Абдулла Орипов юксак бадият ва теран тафаккур билан бу улуғ зот сиймосидаги набийлик ва инсонийлик жиҳатларини кўрсатиб берган.

в) Ҳар икки асрда ҳам ҳаж ибодати билан боғлиқ жой номлари ва уларнинг тасвирилари келган. “Ҳажнома”нинг биринчи таржиьсида “Етурди жаннатосо равзасиға” , — деб Расулulloҳ дафн этилган қабр ва ул зот ваъз этган минбар ва меҳроб орасидаги масофа назарда тутилади. Биринчи таржиьда яна Ҳарам яъни ислом

оламидаги икки Ҳарамдан бири Мадинаи мунавварадаги масжиду-н-набавий, тўртинчи таржиъда Меърож яъни етти қават осмоннинг тепаси Арши аъло, Еттинчи таржиъда Уҳуд тоғи, тўққизинчи таржиъда Қиблатайн масжиди, ўн биринчи таржиъда Мадинаи мунаввара ва ўн иккинчи таржиъда пайғамбаримиз қабрлари жойлашган Бақиъ ва шоир туғилган манзил Ҳўқанд ҳақида сўз боради ва бу манзилларнинг жаннатмонанд тасвири келтирилади. “Ҳаж дафтари”да ҳам ҳаж ибодати ва пайғамбар алайҳиссалом ҳаёти билан боғлиқ жой номлари ва уларнинг тасвири мавжуд. “Ҳаж дафтари”да Каъбатуллоҳ тасвири энг кўп учрайди. Мазкур туркум шеърларидаги воқееликлар Маҳшар майдони, Меърож яъни етти қават осмон тепаси — Арш, Араб саҳроси, Мадина шаҳри, намозгоҳ, зам-зам булоғи, Арофат тоғи, Макка шаҳри, Мино тоғи, Расул кулбаси, ўзга қабрлар, жаннат ва жаҳаннам маконларида кечади.

Фурқат “Ҳажнома”си ва Абдулла Орипов “Ҳаж дафтари” туркум асарларининг жанр, мавзу, образ ва маконлар тасвири бўйича умумий жиҳатларини баҳоли қудрат кўриб чикдик. Айни пайтда мазкур асарларнинг фарқли жиҳатлари ҳам мавжуд. Юқоридаги тартибда фарқланишларини таҳлил этамиз.

а) Мазкур асарлар жанр жиҳатидан лирик турга мансублиги билан умумийликка эгаллиги каби вазн жиҳатдан умумийликка эга эмас. Фурқат “Ҳажнома”си ҳажазии мусаддаси маҳзуф (мафойилун-мафойилун-фаилун) вазнида ёзилган, ўн икки таржиъдан иборат яхлит мазмун ва композиция эга асар бўлса, “Ҳаж дафтари” бармоқ вазнида ёзилган ва ҳар бири алоҳида сюжет ва мазмунга эга бўлган кичик шеърлардан иборат. Шунингдек, “Ҳажнома” асари алоҳида муқаддимага эга эмас. Асар мумтоз адабиётга хос Аллоҳга ҳамд ва шукрона келтириш билан бошланган. “Ҳикмат садолари” туркуми эса “Инсоф ва диёнат излаб” номли мақола билан “Ҳаж дафтари” эса шоирнинг ҳаж ибодатидаги илҳом ҳолатларининг таассуроти сўзбошиси билан бошланган. “Ҳажнома” Фурқатнинг бошқа бирон асарининг мантикий давоми бўлмаган яхлит асар. “Ҳаж дафтари” туркуми эса Абдулла Ориповнинг 1991 йилда ёзилган ва матбуотда эълон қилинган, китоб ҳолида бироз кечикиб 1993 йилда чоп этилган қирқ ҳадиснинг (кейинчалик шу туркум номи билан яна ўн учта шеър эълон қилинган) шеърый тафсири бўлган “Ҳикмат садолари” асарининг мантикий давоми ҳисобланади. Айни пайтгача, бу иккала туркум шеърларини алоҳида ажратиб, аниқлаштирилган бирон илмий изланиш олиб борилган эмас. “Ҳикмат садолари” эълон қилинган, Ўзбекистон Мусулмонлар идораси томонидан тақдим этилган йўлланма билан 1992 йил ёзида Абдулла Орипов шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ва Анвар қори Турсуновлар ҳамроҳлигида ҳаж ибодатига йўл олади. “Ҳаж дафтари” туркуми ана шу сафар чоғида ёзилади. Яна бир фарқли томони шундаки, Фурқат “Ҳажномаси” ҳеч кимнинг тавсия ё илтимоси асосида ёзилмаган. Шоир араб мамлакатларига қилган сафари чоғида ҳаж ибодатини амалга оширади ва шу аснода мазкур “Ҳажнома” асарини яратади. Абдулла Ориповнинг “Ҳаж дафтари” асарига “хамиртуриш” вазифасини ўтаган “Ҳикмат садолари” туркуми шайх Муҳаммад

Содик Муҳаммад Юсуфнинг шоирга тавсиялари билан ёзилган. Шу ўринда, Алишер Навоийнинг “Сирожу-л-муслимин” фикхий масалаларни ёритишга бағишланган асари Хожа Аҳрор Валий илтимосларига кўра ёзилганини эслатиб ўтиш жоиз.

б) Мавзу жиҳатдан ҳар иккала асарнинг уйғунлигида ҳам тафовутлар бор. Ҳар иккала асарда ҳам пайғамбар аҳли оиласи тилга олинади. Фурқат биринчи таржиъда муслима аёлларнинг энг хайрлиси эътирофи билан пайғамбаримизнинг қизлари Фотима онамизни эъзоз этган бўлса, Абдулла Орипов пайғамбаримизни завжалари Ойиша онамизни “бир муҳринг ой бўлса, бириси қуёш”, — дея алқайди. Шунингдек, “Ҳаж дафтари”да она образи икки жойда келади. Бирида умуман оналар ҳақида сўз борса, иккинчи ҳолда Ҳожар онамиз яъни Иброҳим алайҳиссаломнинг завжалари ҳақида ва ҳаж зиёратига келган мусулмон аёллари ҳақида сўз боради. “Ҳажнома”да Фотима онамизнинг зиёратларидан бошқа ҳолда аёл ва она образи мавжуд эмас. Шунингдек, “Ҳажнома”да саҳобалардан Ҳамза розияллоҳу анҳу ва у кишининг Уҳуд жангидаги шаҳидлиги айтилган бўлса, “Ҳаж дафтари” туркумида саҳобалардан фақат Билол розияллоҳу анҳу ҳақида “Билол ҳабаш” шеъри мавжуд. “Ҳажнома”да Ҳамза розияллоҳу анҳу ҳақида Уҳуд жанги ва шаҳидлиги ҳақида умумий эслаб ўтилса, “Ҳаж дафтари”да “Пайғамбар уммати — қора тан Билол”, “Билол айтар эди азонни яккаш”, “Жаннат ҳурларига қора хол қилиб, Бўлиб берилгандир Билолнинг ранги” каби сатрларда юксак бадият билан Билол ҳабашнинг миллати, қиёфаси ва унинг дин йўлидаги мақоми, аъмоли батафсил келтирилади. Шунингдек, Ҳаж дафтари” туркумида яна бир қанча мавзулар борки, бу мавзулар “”Ҳажномада учрамайди. Хусусан, “Ҳасрат” шеърида инсоннинг фоний дунё билан боғлиқ ҳасратлари уни Аллоҳга боғлаши ҳақида, “Она” шеърида аёл зоти меҳри ва ҳаётбахш этиш хислатлари сабаб муборак эканлиги, Ҳожар онанинг нидоси билан Каъбада муқаддас булоқнинг кўз очгани, эркак зоти қаҳри сабаб чекига тобут яшашдек иш тушгани, “Арофат” шеърида ёшу қарининг бир хил либос—эхромда денгиз томчисидек қайнаб ибодат этаётган ҳолати гўё Қиёматда маҳшар майдонини эслатиши, “Ҳаёт ҳақиқати” шеърида инсонларнинг бир—бирига ёвлиги, яхши инсон марҳум бўлса ҳам ўз ёди билан инсон қалбини ҳаётга илтиб туриши каби турфа мавзуларда фалсафий фикрлар юритади. Айтиш мумкин бўлган яна бир муҳим фикр шуки, “Ҳаж дафтари” туркуми образлар хилма—хиллигига кўра, “Ҳажнома” асаридан бойроқ. “Ҳажнома”да Расулulloҳ образи, Ҳамза розияллоҳу анҳу образи ва фақат бир ўринда, яъни тўртинчи таржиъда Ҳақ таоло ҳузурига Расулulloҳнинг Жаброил алайҳиссалом ва Буруқсиз ёлғиз кетгани ўрнида Жаброил алайҳиссалом номи учрайди ва адабий коидаларга кўра бу ном асарда образ даражасига кўтарила олмаган. “Ҳаж дафтари”да эса Расулulloҳ образи, Жаброил алайҳиссалом образи, Ҳожар онамиз, Ойиша онамиз образи, онанинг умумий образи, тиланчи бола образи, ҳожилар образи, ҳожи бобо ва мухбир, шайтон, Билол ҳабаш, ота, жаннат ва дўзах, жинлар, хожа ва шоир, шоҳ ва гадо, Азроил, Лайли ва Мажнунлар образи ҳадис ва оятлар асосида

сюжетлаштирилиб, шоирнинг мутафаккирона фалсафаси ва юксак бадият билан яратилган.

в) Ҳаж ибодати билан боғлиқ жой номларининг тасвирида ҳар икки асардаги тафовут шундаки, “Ҳажнома”да муқаддас жойлар мумтоз адабиёт анъаналарига хос дабдаба, ташбеҳ ва афсонавий, илоҳий тимсолларга ўхшатиш орқали тасвирланади. “Кўланд ўлмоқни таманно этди хуршид Ва лекин этмади Тангри муяссар”, яъни қуёш масжиду-н-набий учун лой қорилаётган маҳалда лой қориётган кетмон бўлишни орзу этгани ташбеҳ этилади. “Ҳаж дафтари”да эса жой номлари инсон вужуди ва ёки қалбини поклаш ёхуд жазолаш манзиллари сифатида тасвирланади. “Шафқат” шеърида осий банда учун қабрнинг жазо манзили экани, “Ғийбатчилар” шеърида тилини ғийбатдан тиймаганларнинг охирги манзили жаҳаннам экани айтилади. “Меърож” шеърида Аршнинг васф этилиши ҳам жоиз бўлмаган муқаддас даргоҳ экани айтилади. “Шайтон” шеърида Минода тошбўрон этилган шайтоннинг ибодатдан қайтишда ҳожиларни аэропортдаёқ кутиб олгани, инсон қўли билан эмас, қалби билан тош отмас экан шайтон уни қиёматга қадар таъқиб этиши каби фалсафий хулосалар айтилади.

Фурқат “Ҳажнома”си ва Абдулла Орипов “Ҳаж дафтари” асарларида муаллиф кайфиятининг муштарак ва фарқли жиҳатлари мавжуд. Бу иккала асарни психологик жиҳатдан ҳам аҳамияти ҳақида айтган эдик. Ҳар иккала асарда муаллиф кайфияти хис этиб турилади. Фурқат “Ҳажнома”сида ҳар бир мавзу ва образлар диний–маърифий характер касб этса, Абдулла Орипов ҳадис ва оятлар шарҳини ўз замонасидаги одамларнинг ҳаёт тарзи ва ўй–кечинмалари билан боғлаб ижтимоий–маърифий, фалсафий–ижтимоий хулоса билан яқун ясайди. Аммо бу бугунги куннинг маиший турмушига боғланмаган юксак ижтимоийлик, инсонийлик масалаларининг лирик ифодасидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Жабборов Н. Фурқат шеъриятида ислом маърифати ва тасаввуф ахлоқининг бадий ифодаси. /Тасаввуф адабиётининг ўрганилиши ва таржимашунослик муаммолари (Профессор Нажмиддин Комилов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган Республика илмий-назарий анжумани материаллари). –Т.: Muharrir, 2018, 75-86-бетлар.
2. Жабборов Н. Зокиржон Фурқатнинг ҳаж сафарига оид манбалар. /Манбашунослик: Матн ва унинг талқини (Илмий мақолалар тўплами). –Т.: Кўлёмалар институти, 1997, 26-36-бетлар.
3. Жабборов Н. Ҳаж ва унинг маърифати. //Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2019 йил 26 июль.
4. Орипов А. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. I - IV жилдлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2000.

5. Фурқат. Ҳажнома (Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи Нурбой Жабборов) // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2019 йил 26 июль.